
Қўштегирмондаги ички йўллар ҳам асфальтлаштирилди

Худуд инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Бағдод туманининг “Қўштегирмон-1” маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги Узун ва Ариқбўйи кўчаларининг жами 2 минг метр узунликдаги ички йўллари ҳам таъмирланиб, асфальт ётқизилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилган мазкур амалий тадбир натижасида ҳам айна маҳалладаги ёзда чанг-тўзон, кишда эса лой бўладиган кўчалар равон ва соз ҳолга келди.

Ободлик ва бунёдкорлик ишлари туманнинг яна кўплаб маҳаллаларида жадаллик билан давом этмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-04-17 17:00:41